

36 (982)-сон

8 — 14 сентябрь 2010 йил

Web-site: oilavajamiat.uz

## МУҚАДДАС ДИНИМИЗ — МАЪНАВИЯТИМИЗ ЖАВҲАРИ

3

Тошкент  
шаҳар бош  
имом хатиби  
Анвар қори  
Турсунов  
билан суҳбат



КЕЛИНЛАР  
«ҚЎЗҒОЛОН»И  
БЎЛМАГАН...

4

## ЛОТЕРЕЯ ТАҚДИР ДЕГАНИМИ?



6



ҚУТҚАРГАНИМ —  
ТАБИБИМ ЭКАН

8

## БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН



Суратда: Ўзбекистон Қаҳрамони Патилахон ЭРГАШЕВА оила аъзолари даврасида.

Умиджон РЎЗИМАТОВ  
сурат-лавҳаси

## БУВАЙДАЛИК ҚАҲРАМОН АЁЛ

Бу содда ва камтарин аёл билан бир мартагина гаплашиб, чин юракдан дардлашсангиз борми, инсон зотига берилган Ҳаёт ва Меҳнат аталмиш улуғ неъмат ва бойликларнинг нақадар тотли, қадрли ҳамда бетакрор эканлигини чуқур англайсиз. «Яратганга минг қатла шукрона айтаман, мен бир умр она қишлоғимни, бизларга ризку рўз берган қадрдон даламни суйиб, ардоқлаб ҳеч кимдан кам бўлмадим. Шундай жаннатмонанд юртда яшаётганимдан фахрланаман. Элим тинч, оилам тотув, ризқим бутун, дастурхоним тўкин, фарзанду невараларим бахтли, тахтли», дейди Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги арафасида Президентимиз Ислам Каримов Фармониغا биноан «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонига сазовор бўлган Бувайда туманидаги «Патилахон» фермер хўжалиги бошлиғи Патилахон Эргашева.

4

## “ОБУНА — 2011”

“Оила ва жамият”ни ўз оиласининг яна бир ҳақиқий аъзоси сифатида қадрлаб, биз билан ҳамфикр, дардкаш бўлиб келаётган муҳтарам муштарийлар!

Шу йилнинг 1 сентябридан келгуси йил учун ОБУНА бошланганини эшитдингизми?



**ИНДЕКС:** Якка обуначиларга 176,  
Ташкилотларга 177

## МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ ЙИФИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, соҳа мутахассислари иштирок этди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тайёрланган Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларининг аҳоли электрон реестрини яратишга оид фаолиятини такомиллаштириш, Тошкент шаҳар Сергели туманида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали "Ягона ойна" - давлат хизматларини кўрсатиш марказини ташкил этиш бўйича тажриба синов лойиҳаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 28 декабрда қабул қилинган "ЗиёНет" ахборот тармоғини янада ривожлантириш тўғрисида"ги қарорининг ижроси, "Ахборот тизимларида электрон рақамли имзонинг очик калитлари сертификатларини кўллаш ва ҳақиқийлигини эътироф этиш тартиби тўғрисида"ги низом ҳамда давлат органларининг расмий веб-сайтлари орқали интерактив давлат хизматларини кўрсатиш талабларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.

Муҳокама жараёнида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Фуқаролик ҳолати далолатномала-

рини ёзиш органлари фаолиятини такомиллаштириш ва аҳолининг электрон реестрини яратиш бўйича амалга оширилган ишлар-вазифалар тўғрисидаги тақлиф ва мулоҳазалари муҳокама қилинди.

Мамлакатимизда ilk бор Тошкент шаҳрининг Сергели туманида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали "Ягона ойна" - давлат хизматларини кўрсатиш марказини ташкил этиш бўйича тажриба синов лойиҳаси амалга оширилганлиги ва ушбу марка орқали фуқароларга қатор енгилликлар яратилганлиги таъкидланди ҳамда бундай марказларни юртимизнинг бошқа вилоятларида ҳам очиб масалалари бўйича тавсиялар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 28 декабрдаги "ЗиёНет" ахборот тармоғини янада ривожлантириш тўғрисида"ги қарорининг бажарилиши бўйича тегишли вазирлик ва идораларда олиб борилаётган ишларни янада жадаллаштириш бўйича тегишли топшириқлар берилди.

Кўрилган масалалар бўйича мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди ҳамда мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан Мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳамда соҳа мутахассислари томонидан кўрсатма ва тақлифлар берилди.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг тегишли қарори қабул қилинди.

ЎЗА

Соғлиқ, бахт, фаровонлик — буларнинг туб замирида ТИНЧЛИК аталмиш буюк неъмат ётганини ҳаммамиз яхши биламиз. Шунинг учун ҳам элимизда кўтлуг байрамлар, тўй-томошалар нишонланяпти, кексаю ёшга, шу жумладан, аҳолининг барча қатлам вакиллари Президентимиз раҳнамолигида чексиз гамхўрликлар кўрсатилляпти. Бир сўз билан айтганда, озод ва обод юртимиз йил сайин гўзаллашиб, чирой очаётир.

Чунки бизнинг асосий мақсадимиз "Ўз уйингни ўзинг асра" шиорининг амалдаги ижросини Ватан ичра "митти ватан" деб аталувчи маҳалламизнинг ўзида таъминлашдан иборат эканлигини яхши биламиз. Масалан, жойларда мунтазам тарзда ўтказиб келинаётган "Оила — муқаддас кўргон", "Одам савдосига қарши кураш", "Огоҳлик — замон талаби", "Тиёҳандлик — аср балоси" каби қатор мавзулардаги тадбирлар, учрашувлар яхши натижа бераляпти. Яраштириш комиссиялари анча фаоллашиб қолди.

Салор фуқаролар йиғини ҳудудда жойлашган «Селекция» маҳалласида ҳам ҳозирги кунда 650 та оила, яъни 2200 нафар аҳоли истиқомат қилади. Шу ернинг ўзида туғилиб-ўсган, барчани бирдек танийдиган, ўқимишли, тажрибали маҳалла фаолларимиз кўмагида кам таъминланган оилалар, беморлар, ногиронлар, боқувчисини йўқотганлар ҳолидан хабар олиб туриш, тўй ва маъракаларни ҳам жиҳатликда ўтказиш, ободон-

## ТИНЧЛИГИМИЗ БОҚИЙ БЎЛГУСИ

лаштириш ишларини ўзаро ахиллик ва бамааслахат ўтказиш аниқлашга айланган. Олайлиқ, "Канаш" кўчасидаги кўп болали оилага компьютер совға қилганимизда, рости, оила бекасининг «Маҳалламдан, онажон Ўзбекистонимдан айшаланай» деган сўзларини эшитиб руҳланиб кетдик. Тумандаги 40-мактабга ҳомийлар кўмагида 42 дона компьютер тўпламини туҳфа этганимизда ҳам болаларнинг севинч тўла кўзларига боқиб, шундай тинч, дориломон замонда яшаётганимизга яна бир бор шукрона келтирдик. Ёки яна бир жонли мисол: бундан бир неча йил аввал ҳудудимиздаги мавжуд 11 та кўп қаватли уйларни иситиш тизимлари деярли ишламаган ёки 4-5 қаватларга умуман сув чиқмаган. Маҳалла аҳли кенгашиб, тегишли ташкилотлар билан

ҳамкорликда бу муаммоларга биргаликда ечим изладик. Мана энди бугунги кунда кўшимча насослар қўйилгани учун шу "дом"ларга бемалол сув чиқарилди ҳамда 6 та кўп қаватли уйга иситиш ускунаси ўрнатилди. Шу йил кузда 3 та «дом»ни иссиқлик билан

тўла таъминлашни ҳам режалаштирганмиз. Ҳудудда аҳолининг электр тармоғи, газ, сувга бўлган эҳтиёжи тўла қондирилган. Ўз навбатида оилаларнинг коммунал тўловлардаги фаоллигини ошириш бўйича қилинаётган сайт ҳаракатлар ҳам кўнгилдагидек натижа бермоқда.

Аслида жамият, оила, маҳалла муштарак тушунчалар. Шундай экан, ҳар биримиз энг аввало, ўз уйимиз, оиламизда тинч-тотув яшасак, бу ахиллик, ҳамжиҳатлик маҳалладаги обрў-эътиборимизни ҳам белгилаб беради.

Шухрат ХУСАНОВ,  
Тошкент вилояти  
Қибрай туман Халқ  
депутатлари кенгаши  
депутати,  
«Селекция» маҳалла  
фуқаролар йиғини раиси.

«Ҳой болам, мени эртага Мустақиллик майдонига олиб бораман, бизлар билан суратларга тушасиз, Ҳастимомни зиёрат қилдираман, дегандинг-а, эсингдан чиқмадимми, ишқилиб?»

Бу йил роппа роса юз ёшни тўлдирган мунис онажоннинг ушбу сўзлари эсига тушиб, Фахридин ака секин жилмайиб кўйди. Нега десангиз, аяни ҳеч қачон чалғитиб ёки алдаб бўлмайди. Чунки хотираси ниҳоятда мустаҳкам. Ҳатто нафақат ҳамма невараларининг исмлари, балки қайси йили мустақиллик эълон қилинганидан тортиб, байроғимиз қачон қабул қилинганигача би-

## “ТУПРОҚЛАРИ КЎЗЛАРИМГА ТЎТИЁ”

лади. Деярли ҳар йили Наврўз ва Мустақиллик байрамлари кунда ўзи билган, таниган кексаларни сўроқлайди, кўнгли яримларни йўқлайди.

— Аниқ эсимда, болам, 1939 йили Тошкентга Фаргонанинг Олтиариғидан кўчма келганмиз. Энди у маҳаллари мошин қаёқда дейсиз, бир ҳафталаб йўл юрганмиз. Эҳ-е, бу бош не-не кунларни кўрмади. Бир бурда нон тиладан қиммат бўлган эди ўша маҳаллари, десам болаларим кулишади. Бир умр далада, пиллада ишлаб бола-чақамни боқдим. Тақдир экан-да, ўшанда қорнимиз тўйиб нон ер эканимиз, устимиз бут бўларканмикан, деб орзу қилардик. Худонинг марҳаматини қарангки, омон-омон кунларни кўриш насиб этди...

Пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги Янгиобод даҳаси, Миркомил Мишаропов номли маҳаллага қарашли Мусаффо кўчасида умргузаронлик қилаётган Хосиятхон ая Маматалиеванинг ҳаётий ҳикояларини эшитсангиз кеча ва бугун ўртасида тирик хотира китоби ўрнини босувчи бундай табаррук инсонларнинг кадр-қиммати нечоғли баланд эканлигини аңглаб етасиз. Негаки, уларнинг босиб ўтган тарихий ҳаёт йўллари бизлар учун ибрат мактабидир.

Бутун умри темир йўл соҳасида кечган ва бугунги кунда кексалик гаштини сураётган ўғли Фахридин аканинг эътироф этишича, Хосиятхон момо қайси бир давра ё гурунда бўлмасин, катта-кичикларга энг аввало бизларни едириб, ичиряётган она тупроқни кўзларига тўтиё айлаларини, қолаверса, яна она тимсолига айланган Ватанини, юртини севиш, ардоқлаш кераклигини кўзларида ёш билан қайта-қайта таъкидлашдан чарчамас экан.

## ЎЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР

Дарвоқе, аяни зиёрат қилиб қайтаётганимизда энг суюкли невараларидан бири Сабоҳатхон кўлимизга бир дафтар туқказди. Очиб ўқисак, узун рўйхат. Ўзи изох беради: "Бувижоним айтиб турдилар, мен ёздам. Бир дунё хотиралар. Тўрт фарзандни воёнга етказгунча бошидан кечган воқеалар... Бугунги кунда у кишининг сулолаларини давом эттираётган 19 набирга, 48 эвара, 5 нафар чевараларнинг исми-шарифлари ҳам зикр этилган. Қирққа кириб, мен гоҳида айрим нарсалар-



ни, рақамларни унутиб қўяман. Бувим бўлсалар ҳаммасини аниқ-тиник эслайди."

Неваралари Тошкентда рўй бераётган катта ўзгаришлар ҳақида сўзлаб қолишса, Хосиятхон ая бундан 40-50 йил аввал ўша жойининг қай даражада хароба бўлиб ётганигача хотирлайди. Истиқлол даврида дунёга келган эваралари бўлса бувижонларининг айтаётган ҳикояларини тинглаб, эртақ деб ўйлашади.

Ўз билан билан юзлашган Хосиятхон ая ҳар тонгда дуога қўл очаркан, кўнглида энг ёрун ниятларини айтади: "Оллоҳим ҳамиша юртимизни ёмон кўзлардан асрасин. Фарзандларимиз доим чироғимизни ёқсин. Шундай тупроқни кўзларимизга тўтиё айлал!"

Робинисо АШУРОВА

## ЖАРАЁН

## ИМТИЁЗ ВА ИМКОНИАТ

Истиқлол йилларида таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ва унинг тараққиёт истиқболларига мос келадиган изчил тизимнинг шаклланишига кенг йўл очди. Ўзбекистонда солиққа оид қабул қилинган қонунлар ҳамда метъерий ҳужжатлар асосида яратилаётган имкониятлар ҳамда бу борада амал қилаётган солиқ имтиёзлари нафақат мамлакатимиз аҳолисининг ижтимоий ҳаётини яхшилаш, турмуш фаровонлигини ошириш, балки иқтисодий барқарорликни таъминлаш йўлида, шунингдек, ёш, баркамол авлоднинг илм олиши, замонавий етук мутахассис бўлиб етишишида ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

«Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида таълим олиш учун йўналтириладиган маблағларга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича имтиёзни кўллаш тартиби тўғрисида»ги низомда кўзда тутилган мақсад ва вазифаларнинг мазмун-моҳияти таҳлил этилганда, энг аввало, бу хайрли қадам эртанги кун эгалари бўлган ёш авлод манфаатини кўзлаб қабул қилинганлиги аён бўлади.

Ушбу ҳужжатда белгилаб қўйилган имтиёزلардан фойдаланишда пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек тумани давлат солиқ инспекцияси ходимлари аҳолига яқиндан кўмак бераётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Жумладан, солиқ кодексига мувофиқ 2010 йилнинг 1 январидан бошлаб фуқароларнинг солиқ солинадиган иш ҳақи ва бошқа даромадларининг Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида таълим олишга (ўзининг ўқиши ёки 26 ёшга тўлмаган фарзандининг таълим олиши учун) йўналтирилган суммаларига даромад солиғи солинамаслиги назарда тутилган эди. Низомда кўзда тутилган олий ўқув юрти — олий таълимнинг таълим дастурларини (бакалавр ва магистратура) амалга оширадиган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ташкил этилган, ўз устави ва Олий таълим тўғрисидаги низом асосида фаолият юритувчи юридик шахс мақомида бўлиши лозим.

Олий ўқув юртларида ўқиш учун тўлов жисмоний шахс томонидан мустақил равишда амалга оширилганда солиқ чегирмаси давлат солиқ хизмати органларида жисмоний шахсининг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларация тақдим этилган тақдирда берилиши мумкин.

Яқинда туманимиз ҳокимлигида Тошкент шаҳар ДСБ ходимлари иштирокида семинар-тренинг бўлиб ўтди. Унда мазкур қарор ва низомнинг мазмун-моҳиятини аҳолининг барча қатламлари орасида кенг тушуштириш ишлари билан боғлиқ маърузалар тингланди. Ушбу тадбирда туманимиз ҳудудида фаолият юритаётган 10 та коллеж, 4 та академик лицей раҳбарлари қатнашдилар.

Сайдвали САИДУМАРОВ,  
Тошкент шаҳар  
Мирзо Улуғбек туман ДСИ шўба бошлиғи.

— Президентимиз Ислоҳ Каримов "Юксак маънавият — энгилмас кун" асариди таъкидлаганларидек, кўп асрлар мобайнида халқимиз қалбидан чуқур жой олган муқаддас динимиз ҳаёт маъносини англаш, миллий маданиятимиз ва турмуш тарзимизни, қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни безавол сақлашда қудратли омил бўлиб келмоқда, — дейди Анвар қори Турсунов. — Дарҳақиқат, халқимизнинг миллий қадриятлари ҳамда диний қарашлари, руҳияти бир-бирига уйғунлашиб кетган. Миллатимиз киёфасини белгилайдиган ор-номус, ҳақиқат, мардлик, виждон амрига итоат, адолатпешалик, ҳақгўйлик, ҳаё, андиша, ростгўйлик, саховатпешалик сингари фазилатлар маънавиятимиз жавҳари ҳисобланмиш муқаддас ислом динимизда ҳам улуғланади. Буюк мутафаккирларимиз бу ахлоқий сифатларни ўз асарларининг бош гоёси қилиб белгиланганлар. Мана шу сифатлар асосида комил инсон ҳақидаги тушунча шаклланган. Президентимиз раҳнамолигида ёш авлодни нафақат салоҳиятли, билимли этиб, балки ахлоқий ва руҳий жиҳатдан ҳам баркамол, имон-этиқоди бутун қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётгани барчамизга мамнуни бағишлайди.

— Минг афсуски, ислом динини ниқоб қилиб, ўзларининг ғаразли мақсадларига эришишга уринаётган турли гуруҳ ва оқимлар ҳамон учраб турибди...

— Сиз айтган ўша турли фирқа ва оқимлар билан муқаддас динимиз ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик йўқ. Юртбошимиз ҳам ўз китобларида бежиз дину диёнатиимизни бузадиган номақбул ҳолатларга қарши доимо сергак ва хушёр туриш, динимизни турли тўхмат ва бўҳтонлардан ҳимоя қилиш, ёш авлодга унинг асл моҳиятини англаш, тушунтириш зарурлигини алоҳида уқтирмаганлар. Дин бу — яхшилик. Алалхусус, "ислом" сўзи билан "уруш, нотинчлик" деган сўзларни ҳеч қачон ёнма-ён келтириб бўлмайди. Пайғамбаримиз (с. а. в) "Мен ҳулқларни, ахлоқларни камолотга етиштириш учун келдим", дейдилар. Тарихга назар ташлайлик: жоҳилият даврида Маккада жиноятнинг жамки турини учратиш мумкин эди. Ичкиликбозлик, фахш, қиморбозлик, судхўрлик, риёкорлик, ўғрилик, қотиллик сингари иллатларга одатий ҳолат сифатида қараларди. Ҳеч қандай қонун-қоида йўқ эди. Пайғамбаримиз (с. а. в) ана шундай чиркин жамиятга тоза ҳаво, соғлом руҳ олиб кирдилар. Маддалаб кетган яраларга малҳам бўлдилар. "Саломно, тинчликни ёйинглар, ифшо қилинглар. Бир-бирингизга мен сизга саломатлик тиламан, деб айтинглар. Шунда бир-бирингларни яхши қўриб қола-сизлар", деган ҳадислари бор Расулulloҳнинг.

Мустақиллик ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида, жумладан, маънавий ҳаётда янгиланиш жараёнини бошлаб берди. Динга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Виждон эркинлиги қонун билан кафолатланди. Биз эътиқод эркинлиги ҳақида кўп гапиримиз. Аслида эркинлик, Президентимиз таъбири билан айтганда, масъулият демакдир. Масъулиятсизлик исломда қатъан гуноҳ саналади. Инсон қачон масъулиятли бўлади, қачонки маърифатли бўлсагина. Маъри-

фат ва эркинлик ҳаминша маънодош тушунчалар бўлиб келган. Чунки эркинлик тўғрисида кишини илм-маърифат дунёсига етаклайди ва киши қанчалик маърифатли бўлса, шунча эркиндир.

Биз диний маърифатни муқаддас китобларимиздан, Имом Бухорий, Имом Термизий, Мотуридий каби буюк аҳдодларимиз илмий меросидан ўрганишимиз керак. Шундагина ҳар хил бидъатлардан, разолатдан, жаҳолатдан узоқ бўламиз. Алишер Навоийнинг "Ҳамса"сида Куръони Каримнинг мазмун-моҳияти тўлиқ қамраб олинган. Фақат у бадий образлар — мажоз орқали ифодаланган. Алишер Навоий ўз асарларида ҳалоллик, поклик, камтаринлик, ростгўйлик, ҳаё, вафо, ибод, андиша каби ахлоқий фазилатларни тараннум этганлар. Ҳазрат "Маҳбуб ул-қулуб" асариди шун-

экстремистик ҳаракат ва оқимлар эса миллатнинг энг олий фазилатларига чанг солади. Бу оқимнинг фашизмга ўхшаб кетадиган гоёси бор. Миллатга ахлоқ керак эмас. Ахлоқ бўлса, миллат мулоим бўлиб қолади ва жангарилик йўқолади, дейди улар. "Ҳизб ут-таҳрир"нинг бу гоёси ҳамда "Миллий урф-одат, анъаналар демократияга зиддир, шунинг учун улардан илож борича воз кечиш керак", дейдиган Ғарб «либерал»ларининг қарашлари ўртасида қандай фарқ бор? Ҳеч қандай! Уларнинг мақсади дин ёки демократия эмас, балки дин ва демократия никоби остида миллий киёфани бузиш, миллий ифтихор ва ўзликни англашдан маҳрум этиш, миллатнинг руҳий-маънавий фазилатларини йўқ қилишдан иборат. Шунинг учун барчамиз ҳаминша жаҳолатга, исроф-

сидан ёки яқинларидан айрилса, вазира қилсин, дейилади. Яъни, кун санамасдан, имкониётга қараб, унда ҳам етимлар бўлмаса, одамларни қақриб, бир марта дастурхон ёзиб тиловати Куръон қилиш савоб. Лекин "етти", "йигирма", "қирқ", "йил оши", "пайшанбалик" каби маросимлар динимизда йўқ. Бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки бундай маросимларда неъматлар исроф бўлади, вақт исроф бўлади. Эътибор қилсангиз, маърифатли киши исрофдан узоқ юради. Дабдабага қизиқмайди. Сирти ялтироқ, ичи бўм-бўшлар эса бунақанги нарсаларга ўч бўладилар.

Президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси билан аҳоли, айниқса, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашга, замонавий тиббиёт муассасаларини барпо этишга, таълим тизи-

## ДОЛЗАРЬ МАРЗУ

асл моҳиятини яхши билмаслик оқибатида миллий маънавиятимизга соя солиб келаётган ана шундай салбий ҳолатлар, афсуски, ҳали-ҳамон учраб турибди.

Эсласангиз, Юртбошимизнинг 1998 йил 28 октябрда имзоланган фармони асосида тўй-ҳашамлар, маъража ва маросимларни ўтказишда шухратпарастлик, дабдабозлик, исрофгарчилик, миллий урф-одатлар ва анъаналарни менсимаслик каби кўнгилсиз ҳолатларга қарши қатъий чора-тадбирлар белгила-ниб, бу борада қатор амалий ишлар қилинди.

Бугунги кунда ҳам бу масала ниҳоятда долзарб эканлигини унутмайлик. Оддий мисол: ҳозир битта қиз узатиш учун камиди ўн кун вақт сарфланади. Фотиха тўйи, унаштириш тўйи ва ҳоказо... Яна қанча сарф-харажат, исроф билан тўй келади. Қўша-қўша машиналар қуршо-вида шаҳар кўчаларини айлана-нишлар, никоҳ, эртасига келин салом, чарлар, қўда қақриқ... Бунга қанча вақт, қанча маблағ кетади. Ҳатто айримларнинг қиз узатиш учун сарфлаган маблағига бемалол чоғроқ бочка ёки каттагина кутубхона курса бўлади. Халқимиз топганини эл-юрт билан баҳам кўрадиган қалб. Ўзбекини тўйисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Тўйларимиз тўкинлиги — ҳаётимиз фаровонлигининг ифодаси, аслида. Фақат меъёрни унутмаслигимиз лозим.

Имом Бухорий ривоят қилган бир ҳадисда Расули ақрам (с. а. в.) шундай дейдилар: "Битта кўрпанг бўлса, ўзингга ва аёлинигга, битта кўрпанг фарзандингга, битта кўрпанг меҳмонга, яна битта кўрпанг ортиқча бўлса, шайтонга". Бунинг маъноси шуки, эҳтиёждан ортиқча нарсаларни тўплашга ружу қўймаслик керак. Таҳмондан тушмайдиган кўрпа-ёстиқлар, ҳеч қачон дастурхон юзини кўрмайдиган чинни идишлар... Буларнинг барчаси исроф, увол. Аммо кўпчилигимиз бунини тушунишни истамаймиз. Қанча кўп бўлса, шунча обрў деб ҳисоб-шундай улкан ўзгаришларни илғамайдилар. Улар эл-юрт тақдирига дахлсиздек сезади ўларини. Ваҳоланки, шундоққина ён қўшниси эҳтиёжманд бўлиши, маҳалласида кутубхона ёки спорт майдончаси етишмаслиги мумкин. Қўлидан келса, қурби етса, шундай хайрли ишларга бош қўшсин, ажр-савоби катта бўлади.

— Сиз айтган ўша "етти", "йигирма", "қирқ", "йил оши", "пайшанбалик" каби маросимлар нима сабабдан динга боғлана бошлаган ва нима учун улардан қутулишимиз бунчалар мушкул бўлаётир?

— Аҳдодларимиз қадимдан бидъатга, хурофотга қарши курашиб келганлар. Берунийнинг "Ҳиндистон" асариди, Алишер Навоий асарларида, хусусан, "Маҳбуб ул-қулуб"да ана шундай бидъатлар кескин қораланган. Афсуски, динимиз душманлари ҳамма замонларда бўлган. Бундай маросимларни динга боғлашдан мақсад — бузғунчилик. Халқимиз муҳлис, яъни ишонувчан ва содда халқ. Диндан, деб айтилган ҳар қандай амалии ихлос билан бажаради. Диннинг

# МУҚАДДАС ДИНИМИЗ — МАЪНАВИЯТИМИЗ — ЖАВҲАРИ

## Тошкент шаҳар бош имом хатиби Анвар қори ТУРСУНОВ билан суҳбат



дай дейдилар: "Одамийнинг яхшироғи улдириким, порсо ва пок бўлмай ва ҳақ сўзини айтурда беваҳму пок бўлмай. Ўзи поку кўзи покни инсон деса бўлур, тили ариг ва кўнгли ариғни мусулмон деса бўлур". Демак, Навоийни ўрганган, уни озгина тушунган кишидан ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди. Лутфийни ҳис қилган, Бобурни англаган, Машрабни ўқиган, Абдулла Қодирийнинг миллат ҳақидаги сўзларини билган киши ҳеч қачон ўз халқига хиёнат қилмайди.

"Ҳизб ут-таҳрир"га ўхшаган

гарчилик ва хурофотга қарши курашмоғимиз лозим.

— Маърифатпарвар боболаримиздан бири Бехудий ўзининг ўтган аср бошларида алам ва изтироб билан ёзган "Бизни кемиргучи иллатлар" мақоласида ҳам тўй ва маросимларимиздаги ортиқча исрофгарчилик ва дабдабозлик, умуман, ҳеч бир қонун-қоидага тўғри келмайдиган урф-одатларимизни тилга олган эди...

— Мухтасари виқоя" китобининг шарҳида бир кишининг уйда мусибат бўлиб, ота-она-

шимиз бунчалар мушкул бўлаётир?

— Аҳдодларимиз қадимдан бидъатга, хурофотга қарши курашиб келганлар. Берунийнинг "Ҳиндистон" асариди, Алишер Навоий асарларида, хусусан, "Маҳбуб ул-қулуб"да ана шундай бидъатлар кескин қораланган. Афсуски, динимиз душманлари ҳамма замонларда бўлган. Бундай маросимларни динга боғлашдан мақсад — бузғунчилик. Халқимиз муҳлис, яъни ишонувчан ва содда халқ. Диндан, деб айтилган ҳар қандай амалии ихлос билан бажаради. Диннинг

мас қучдир.

— Яна бир неча кундан сўнг улуг айём — Рамазон ҳайити нишонланади. Шу муносабат билан юртдошларимизга байрам тилакларингизни изхор этсангиз.

— Яратгандан халқимизга омонлик, Ватанимизга тинчлик-осойишталик, ёшларимизга баркамоллик, бободеҳқонларимизнинг хирмонларига файзу барокот тилаймиз.

Воҳид ЛУҚМОНОВ суҳбатлашди.

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Патилахон опа, юскак унво ва олий нишон муборак бўлсин! Бу хушхабарни эшитганда хаёлингиздан налар кечди?

— Куллуқ. Уша куни набираларим Ҳасан-Зухранинг туғилган куни эди. Ҳаммамиз йигилишиб,

опалари ёнида қолишса, мен «Далага бораман», деб аямнинг оёғига ёпишиб оларканман. Дадам Ғофуржон Асроқулов (Оллоҳ раҳматига олган бўлсин) бригадир бўлгани боис бутун умри далада ўтган. Уйга келганида ҳам, дастурхон атрофида йигилишиб ўтирсак, нукул пахта, галладан сўзлар, «Улар худ-

хўжайиним касаллик туфайли оламдан ўтди. Қисқагина, аммо мазмунли ҳаёт кечирдик. Ундан айрилгач, бир ўғил, бир қизим билан ота уйимга қайтиб бордим. Отам, ака-укаларим менга қанот бўлишди. Уларнинг ёрдами билан фарзандларимни ўқитдим, оёққа тургаздим. Уша оғир пайтлари мен бир нарсани ан-

## Ҳикмат

Бизга яхши оналарни беришлар, биз яхши одамлар бўлиб өтишимиз.

Жан ПОЛ

бошладингиз?

— 2005 йили «Патилахон»

миз 60 центнерга етди. Худуди-мизда 16-умумтаълим мактаби

# БУВАЙДАЛИК ҚАҲРАМОН АЁЛ

ош дамлаб, байрам қилиб ўтиргандик. Бир пайт туманимиз ҳокими ўринбосари Саидмуроджон кўнгирак қилиб айтиб қолди. Шошганимдан нукул набираларимни бағримга босаман. Яхши гапнинг қаноти бор, дейишадик, бу қувончи воқеа бир зумда қишлоқ бўйлаб тарқалиб кетди. Ҳамма табриклагани келди. Ҳамқишлоқларим мендан ҳам кўп қувонди десам бўлади...

Ахир, умрим мана шу Шўртепа далаларида ўтди. Аям раҳматли «200 кило пахта териб, тарозига қўйиб, кейин сени туққани кетганман», деб куларди. Бошқа болалар шийпонда, боғча

ди болага ўхшайди» деган гапни тез-тез такрорларди. Дадам далани яхши кўрарди. Шу боис ҳар йили мўл ҳосил оларди. Уша пайтларда ҳам мактабдан келиб, тугунчага нон, чой, помидор солардим-да, далага чопардим. Мактабни тамомлаганимда пахтачилик, галлачилик ишларини анча-мунча тушуниб қолгандим. Шу сабабими, мени келин қилиш орзусида юрган оилалар анчагина эди. 1968 йили Шерқўзи Марасуловга турмушга чиқдим. Биргаллашиб рўзгор аравасини тортиб, уй-жой қилдик. Аммо тақдир экан, олти йил яшаганимиздан сўнг

лаб етдим. Инсонни ҳар қандай кулфатдан, тушкунликдан меҳнат кутқариб қоларкан. Изтиробларим, армонларимни далаларимга сочиб юбордим. Ҳеч кимга чурк этиб ҳаётимдан нолимадим. Бир ўзим гектар-гектар ерларни чопқидан чиқариб, суғориб кетаварардим. Далада қанча кўп юрсам, шунча ўзимни хотиржам ҳис этардим. Ҳозир қизим Дилафрўз — олти фарзанднинг онаси, ўғлим Хайрулло эса тўрт боланинг отаси. Набираларим улғайиб, қанотимга кириб қолган.

— Фермерлик фаолиятини мустақил равишда қачондан

фермер хўжалигини ташкил қилдик. Пахтачилик ва галлачиликка ихтисослашган фермер хўжалигимизнинг 69 гектар еридан 30 нафар ишчи оиласи учун ризқ-рўз топади. Ўзим эрталаб ўрнимдан туриб, одамлар иш бошламасдан далага бораман, пайкалларни бирма-бир айланаман. Каерга сув керак, қаерга ўғит... Зарарқунанда ҳашаротлардан қандай қутулиш мумкин — ҳаммасини обдон ўрганиб чиқаман, нималар қилиш кераклигини кўнглимга тугиб қўяман. 2009 йили ҳар гектардан 50 центнердан пахта, 50 центнердан галла олгандик. Бу йил галла-

жойлашган. Ҳар йили шу мактабга ҳомийлик қилиб тураимиз. Синфхоналарни таъмирлаш, ўқув қуроли олишга имкон қадар ёрдам берамиз.

Меҳнат қилган одам ҳеч қачон кам бўлмас экан. Президентимиз менга ўхшаган оддий бир қишлоқ аёлининг, камтарона деҳқоннинг меҳнатини шу даражада улуғлаганидан бошим осмонга етди. Бундай эътироф, кўрсатилган ҳурмат-эҳтиромга яраша энди янада кўпроқ, каттароқ масъулият билан меҳнат қилишга ундайди.

Нигора РАҲМОНОВА  
суҳбатлашди.

## ✓ НУР ТҮЛА УЙ

— Ортга назар ташлаганимда, афсус-надоматинг бўлмаса, қарилик ҳам буюк бахт экан, — дейди **Кибрай тумани, Наврўз маҳалласида истиқомат қилувчи 84 ёшли Сабиҳа ая Шоназарова** биз билан суҳбатда. — Оллоҳга шукр, турмуш ўртоғим билан икки қиз, беш ўғилни оқ ювиб, оқ тараб, ҳалол едириб, ҳалол кийдириб, ўқимишли қилиб тарбияладик. мана, бугун роҳатини кўриб ўтирибман, ўтган кунларимдан афсусланмайман.

— Ая, келинларингизнинг ҳам ҳаммаси олий маълумотли яна уларни ўзингиз ўқитган экансиз. Аммо набираларга қараб, уй ишларини қилиб ўтириш кўп қайноналарга малол келади...

— Энди, қиз бола ҳам бировнинг дилбанди, умид қилиб ўстирган жигаргўшаси. Унинг ота-оналигини бўйнимизга олиб остонамизга олиб келдикми, худди ўз фарзандимиздек муомалада бўлишимиз лозим. Унинг орзу-умидлари билан ҳисоблашмасак, туққан она ва отаси ҳам, Оллоҳ ҳам биздан рози бўлмайди. Келиним фақат хизматимни қилсин, маълумотининг менга кераги йўқ, дейдиган қайнона борки, катта хатога йўл қўйган бўлади. Бу дунёнинг тугамайдиган юмушларини деб бир кишини илм олишдан қайтармоқ ҳам гуноҳ саналади, айланайлар. Бугун улар менинг келинимдир, лекин эртага бир оиланинг бошлиғи, ўғил-қизларнинг волидаси бўлади, ана шунда қийналиб қолишмайди-да. Набираларим ҳам яхши тарбия олиши керак. Масалан, тўнғич келиним Ёқутхон — иқтисодчи, Захроҳон, Азизахон — муаллим, Манзураҳон — физик, Гулнораҳон — шифокор. Ота-оналари ўқимишли бўлгани учун набираларим ҳам илмга чанқоқ, уларнинг изидан боришарди. Шундай замонда шукрона айтиб, имкониятлардан фойдаланмасам бўлмайди-да.

— Уйингизда келинлар «қўзғолони» ҳам бўлиб турармиди?

— Аввало, шамол бўлмаса, дарахнинг учу қимирламайди. «Келинлар қўзғолони» бўлмаслиги учун унинг олдини олиш керак. Биринчидан, таг-туғли, насл-насаби тоза, одобли оиланинг фарзандини танлаш лозим. Кўп йиллик тажрибамдан бир сирни айтмай: келин ахтараятган она сахармардонлаб эшик олди супуриб-тозаллаб қўйилган дарвозани тақиллатсин. Эрта туриб иш бошлашни одат қил-



## КЕЛИНЛАР «ҚЎЗҒОЛОН»И БЎЛМАГАН ХОНАДОН

ган оилада файзу барака бўлади. Мен ҳам ана шундай хонадон қизларидан топганман-да, шу боис сан-манга боришга ҳожат қолмаган. Аввалга рўзгоримга кўникиб кетгунча ҳеч бир ишларидан кир қидирмадим. Пиширишга берсалар едим, имтиҳон пайтларида ўзим уларга қарашдим. То ўқишларини тугатиб, икки-уч болада бўлмагунларича рўзгорини алоҳида қилмадим. Мана, ҳозир ҳаммалари уй-жойли, набирали бўлса-да, эрталаб ўғилларим билан келиб аввал менинг дуоимни олиб, сўнгра ишга кетишди, кечки пайт қайтишда ҳам эшигимни очмасдан кетишмайди. Ба-

рака топишсин, барчаларидан розиман, мендек кексайиб юришсин.

— Сабиҳа ая, авлодларингизда эгизак фарзандлар туғилиши такрорланиб турар экан-а?

— Эгизаклар туғилиши ҳам суяк сураккан. Ака ва опамларда Ҳасан-Ҳусан, бизда Фотима-Ҳусан, қизимиз Фотимада ҳам Фотима-Ҳусан туғилган. Шунинг сизимки, эгизакларнинг нафақат сурати, сийрати, руҳияти ҳам деярли бир хил бўлар экан. Бир-бирисиз яшати қийин, деб бежизга айтишмайди-да. Эгизакларга алоҳида парвариш, эътибор даркор. Чунки бири безовталанса, иккинчиси ҳам

инжиқланади, бири касал бўлиб қолса, бунисидан ҳам шуни кутаверинг. Ҳеч кимнинг бошига тушмасин-у, бири бўбуд бўлса, жуфтнинг ҳаётини асраш, улғайтириш жуда қийин кечармиш.

Бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Фотима-Ҳусаним институтда ўқиб юришганда, пахта мавсуми бошланди. Ҳусан пахта теримида кетган, Фотима эса ҳомилдор, ой-куни яқин қолганлиги учун боролмаган эди. Вақт-соати етиб, сахарда Фотиманинг кўзи ёриди, ҳамма жамулжам, хурсанд Ҳусан ҳам бохабар бўлса эди, деб турганимизда, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, эшикдан Ҳусан кириб келди. Қўриб кетдик. Чунки у вақтлар мавсум тугамагунча пахтадан қочиш ўқишдан ҳайдалиб билан баробар эди.

Шунда Ҳусан кеча туни билан боши қаттиқ оғригани ва шунинг учун доласи бир-икки кунга уйга рухсат берганини айтди. Демак, кечаси Фотима тўлғоқ дардини тортаётганда Ҳусанда ҳам оғриқ турган. Хуллас, бу ҳам бежизга эмасдир-да, деб ўйлайман.

— Икки аср гувоҳи бўлган, уруш кўрган табаррук онахонсиз, суҳбатимиз бошидан буён «Худоба шукр» сўзлари тилингиздан тушмаяпти.

— Айланайлар-а, биз гувоҳ бўлган кунлар билан бугуннинг орасида ер билан осмонча фарқ бор. Эҳ-ҳе, не-не кунларни кўрмади бу бошимиз. Қаттол уруш йиллари, очарчилик, бир бурда нонга зор бўлган кунларимиз... У пайтлар мана бундай кунларни кўриш етти ухлаб тушимизга ҳам кирмаган. Фақат қорин ғамида яшардик. Бугунги дорилором кунларнинг қадрига етмаганларга фақат инсоф тилайман. Тўкин-сочинлик, бозорларда ҳамма нарса муҳайё. Бир дақиқада дунёнинг нариги томони билан гаплашиш мумкин. Истиқлол шарофати туфайли менга ҳам уч марта Умра зиёратига бўлиш насиб этди. Мана, 23 неварда, 25 эвранинг бувижониси бўлиб ўтирибман. Бугуннинг болаларига ҳавасим келди, илм олиш, хунар эгаллаш учун барча шарт-шароитлар яратилган, ҳамма имконият эшиклари очик. Неваара-эварларимга шуларнинг қадрига етинлар, дейман-да...

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА  
суҳбатлашди.

## «МОНАДА-АМОН»

МЧЖнинг неврология шифохонасида юқори технологияли тиббиёт аппаратуралари ёрдамида беморларга тўғри ташхис қўйилиб, самарали даволанилади.

Швейцарияда ишлаб чиқарилган «Swiss DolorClast» аппарати ёрдамида зарбали-тўлқинли терапия (ЭУВТ) ўтказилади. Бу даволаш усули остеохондроз, диск чурралари, сколиоз, остеоартроз, мушак ва пайларни тортиб оғриши каби касалликларда ўта самарали бўлиб, бўйин, елка, қўл, бел, оёқ бўғимларидаги қотиб қолган пайлар, тузларни юмшатиб, сўрилиб кетишига, ўрнига янги тўқималар пайдо бўлишига замин яратди.

Шунингдек, компьютерлашган лазеротерапия аппаратида бир вақтнинг ўзида лазер нури билан лазеротерапия ва лазерли рефлексотерапия муолажалари муассамлашган ҳолда олиб борилади.

Бундан ташқари, компьютерлашган аппаратда умуртқаларни чўзиш, ультрафонофарез, карипазин билан электрофарез муолажаси, нуқтали уқалаш, нина санчиб даволаш ва бошқа физиотерапевтик муолажалар юқори малакали мутахассислар томонидан ўтказилади.

Шифохонада уч ўлчамли УЗИ аппаратида ички аъзоларни УЗИ қилиш, юрак УЗИси, компьютерлашган ЭКГ, электромиография текширувлари, шунингдек, ҳамма лаборатория таҳлилларини ўтказиш йўлга қўйилган.

Шифохонада ётиб ва қатнаб даволаниш учун барча шароитларга эга бўлган стационар мавжуд.

Тел.: (+99897) 119-32-10, (+99897) 338-35-15

Факс: 8 (371) 283-40-35

Электрон почта: monada-amon@mail.ru

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Норхўжаева кўчаси, 52-уй.

Мўлжал: Фарғона йўли кўчаси «Ўзбум» бекати.

## «ЎКТАМХОН-НУР»

ЎҚУВ МАРКАЗИ

куйидаги ўқув курсларга таклиф этади:

Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.

Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.

Аёллар костюм-шимми, плаш-пальто — 1-2 ой.

Ҳамшира — 6 ой. 4 ойи ўқий, 2 ойи амалиёт.

Ҳамшира (тезкор) — 3 ой.

Тиббий массаж — 2 ой (амалиёт билан). Нуқтали — 1 ой.

Торт ва пишириқлар — 2 ой (амалиёт билан).

Пишириқлар олий курси — 1 ой.

Уйғурча таомлар ва салатлар — 1 ой (амалиёт билан).

Аёллар сартарошлиги — 3 ой (амалиёт билан).

Педикюр, маникюр — 1 ой (амалиёт билан).

Сартарошлик — 3 ой (амалиёт билан).

Тўй ва оқшом турмаклари ва макияж — 1 ой.

Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.

Элита парда ва чойшаблар олий курси — 1 ой (амалиёт билан).

Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун, амалий).

Каштачилик — 3 ой (машинада вышивка).

Тўқувчилик — 2 ой.

Инглиз тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.

Рус тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.

Бисер тикиш, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.

Сунъий гул ясаш — 1-2 ой.

Компьютер сабоқлари — 2 ой. Интернет — 1 ой.

Арабча ва миллий рақс — 3 ой.

Ўқишга қабул ҳар куни

■ Машгулотлар амалиёт билан бирга олиб борилади. ■ Ётоқхона мавжуд.

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

Манзил: Юнусобод тумани, 3-мавзе, 1-уй, 31-хона. Мўлжал: Юнусобод дехқон бозори орқасида. Тел: 221-17-95, 221-77-72 (кундузи), 225-97-93 18:00 дан 22:00 гача.

Азиз фарзандим Дилфузахон!

8 сентябрь — туғилган кунинг билан муборақбод этаман. Оилавий бахт ва ҳамкасбларининг хурмат-эътиборида бўлишингни Оллоҳдан сўраб

оиламиз номидан даданг Сотволди Мирза, Тошкент шаҳри.



Азиз фарзандимиз Дилафрузхон!

Сени таваллуд топган айёминг билан табриклаймиз. Нимаики яхши орзу-ниятларинг бўлса, Оллоҳ ортиги билан беришини сўраб қоламиз. Бахт, омад ҳамиша ҳамроҳинг бўлсин.

Отажонинг, онажонинг, Тошкент шаҳри



Тошкент шаҳар Ҳамза туман ҳокимлиги томонидан 2008 йил 22 майда реестр №001832-07 рақами билан рўйхатдан ўтган «AZIZOV DILSHOD SIROJIDDINOVICH» МЧЖ фирмаси тугатилади. Даъволар 2 ой ичида қабул қилинади. Мурожаат учун телефон: 771-48-15.

Саид Шаҳобиддин номига берилган Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани, Пушкин кўчаси, 79-уй, 302-хонадон «Уй режаси» йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов номи тиббиёт коллежи томонидан Тулебоева Гулзода Бахтиёровна номига берилган К №1510273 рақами диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

✓ МУТАХАССИС МАСЛАХАТИ

## «АЙТИШГА УЯЛАМАН», ДЕМАНГ

«Эркак киши ўзида бирор бир рухий муаммо сезса, энг аввало уялмай шифокорга бориши керак!» Шундай деймизу... Барибир биз эркакларда ўз саломатлигимизга эътибор ҳам, жинсий маданият ҳам паст.

Масалан, ўз аёлига ҳомиладан сақлашни учун ичиладиган биргина таблеткани чор-атрофга минг аланглаб, сўнгги харидорнинг чиқиб кетишини сабр-тоқат билан кутиб, шундан кейингина, сотувчи, айниқса, у аёл киши бўлса, минг бор қизариб-бўзариб харид қиладиган эркакнинг нозик масалалар юзасидан шифокор олдига юрак ютиб боришини тасаввур қилаверинг.

Кўплаб хоржий фильмлар, айниқса, сериалларда бирор бир муаммо туғилиб қолса, қаҳрамонларнинг шу захотиёқ руҳшунос хузурига югуриб боришларига гувоҳ бўлганмиз. Бизда эса камдан-кам эркаклар буни ўзларига эп қўришади. Чунки хориждагидан фарқли ўларок, Шарқда, жумладан, Ўзбекистонда ошна-оғайнигарчилик, дўстлик, қариндош-уруғчилик, маҳалла-қуй, деган тушунчалар ўз қадрини сақлаб қола билган. Бу ҳолат бир томондан маъқулланса, бошқа томондан нуқулайликларга ҳам эга. Сабби, бундай пайтда тарозининг икки палласини тенг ушламаслик, яъни ортиқча истихролага берилишдан биринчи галда организм зарар кўради. Айтмоқчиманки, аксарият эркаклар ўз жинсий муаммолари ҳақида яқинлари, ҳатто сирдош дўстларига ҳам ошқора айтолмайдилар.

Бу борада бизнинг «DOCTOR-D» ихтисослаштирилган клиникамизда керакли муолажалар, тиббий ёрдамлар кўрсатилади (тел: +99871-113-00-57). E-mail: hospital@doctord.uz.

URL: <http://www.doctord.uz>

(1)

Москвадаги Халқаро

Абу Али ибн Сино академиясининг магистри

табиб ХУРСАНД АЛИ

табобат хизматини таклиф этади:

- Опшқозон-ичак, ўт пуфаги, қораталоқ касалликлари;
- Бепушглик, жинсий аъзолар шамоллаши; буйрак ва туҳумдон кисталари, простата бези шамоллаши;
- Буйракдаги тошларни тушириш;
- Гижжа, лямблиялар ариб, теридagi оқ доғлар(ветелиго) ва ажинлар кетати;
- Умуртқа чурраси, бел ва оёқ оғриги, бод, артрит, полиартрит, бўйин ва елкада, тиззада туз йиғилиши сингари хасталиклар;
- Юрак, қон-томир хасталиклари, қон босими, инсультдан кейинги тикланиш даври ва асаб касалликлари;
- Буқоқ касаллигининг ҳар қандай тури Шарқ табобати усулида гиёҳлар билан даволанади.

Манзил: Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани Қумовул (Бектемир) кўрғони.

Телефон: (+99897) 156-57-31. Лицензия № 95

Табиблар реестрида 2092-рақам билан қайд қилинган.



## СОЧИМ ТЎКИЛИБ КЕТДИ

— Ёшим 14 да. Бир ойдан бери сочим тўкилиб, сийраклашиб қолди. Сочимнинг илдизи, териси кўриниб турибди...

Гавҳар ВАХОБОВА, Тошкент

— Соч сийраклашиши себорея касаллигидир. Ҳозирда бу хасталик ёшлар орасида кенг тарқалган. Касаллиқнинг турини аниқлаш учун ўсимирлар шифокорига учрашинг. Соч тўкилишининг сабаби кўп, буни аниқлаш тўғри ташхис қўйишга ёрдам беради.

Халқ табобати усуллари: сочни ювишдан олдин бошингизни номақоб сувга ҳўлланг ва дока билан бир соатга сиқиб ўраб қўйинг. Муолажани ҳафтада 2 марта бажарсангиз, соч тўкилиши тўхтайд. Муолажани қанча вақт давом эттиришни шифокорингиз билан маслаҳатлашинг.

— Кимё заводиди ишлайман. Қандай гиёҳлар ёрдамида сочимни тиклашим мумкин? Сочни кўчириб ўстириш муолажаси зарарли эмасми?

Азамат, Самарқанд

— Соч тўкилиши, яхши ўсмаслигига асаб, иммун, эндокрин тизими, ички аъзолар касалликлари, ичак гижжалари, замбуруғли хасталиклар сабаб бўлади. Юқоридagi рецептдан фойдаланишингиз мумкин. Сочни кўчириб ўстиришни эса мутахассис билан маслаҳатлашинг.

Аваало, ишлаганда бошингиз, аниқроғи, сочингизни беркитиб турувчи никоб кийиш зарур. Ишни тамомлаб бўлгач, албатта, бошингизни ювинг.

Саволларга терапевт Баҳодир ТОЛИПОВ жавоб берди.

• ДУНЁ ХАБАРЛАРИ • ДУНЁ ХАБАРЛАРИ • ДУНЁ ХАБАРЛАРИ •

**МЕРКЕЛЬ БЕШИНЧИ ЎРИНДА**

Германия фукараларининг 81 фоизи Ангела Меркель ҳукумати ишидан кўнгли тўлмаслигини билдирди, дея ёзади «RP-Online» нашри.



Мазкур хабар «ARD-Deutschlandtrend»нинг социологик сўровномалари натижасига таяниб тарқатилган. Норозиларнинг асосий қисми (86 фоиз) бунинг сабабини ҳукумат нимани хошлаётганини билиб бўлмагани билан изоҳлашган. Таъкидлаш жоизки, 81 фоиз иштирокчилар давлатнинг оддий одамлар билан иши бўлмаётганига ҳам ургу беришган. 79 фоиз қатнашчи фикрича эса, консерваторлар ва либералларнинг коалицион ҳукумати ўз олдига кўйган вазифаларни удалай олишмади. Сўровномада иштирок этганларнинг 77 фоизи ҳукуматда ички зиддиятлар ҳаддан зиёд ортиб кетганини таъкидлайди...

Шунга қарамай, охириги ойда Ангела Меркелнинг обрўси 7 фоизга ўсган (48 %). Канцлер айна пайтда энг машҳур немис сиёсатчилари рўйхатида бешинчи ўринда туради.

**АЭРОПОРТДА 95 ТА ИЛОН...**

Малайзиядан 95 та илони олиб чиқиб кетмоқчи бўлган Ан-

сон Вонг исмли шахс 6 ой қамоқ жазосига ҳукм этилди.

Бундан ташқари, маҳкама жинойтчи яна 61 минг доллар миқдорда жарима ҳам солган. Вонг 26 августда Индонезиянинг пойтахти Жакартага кетишга чоғланаётган пайтда кўлга олинди. Аввалига Куала Лумпур аэропорти масбуллари илонлар парвоз чоғи идишдан чиқиб кетишидан хавотирланган. Кейинги барча машаҳа эса мана шундан бошланди...

2001 йили АҚШда ҳам шу турдаги жинойти учун 71 ой қамоқда ўтирган кимса 13 сентябрда яна жазо ўташни бошлайди. Ансон Вонг она юртида 6 ойгина қамоққа ҳукм қилиниши ёввойи ҳайвонларни химоя қилиш бўйича ташкилотнинг норозилигига сабаб бўлди. Ташкилот Малайзия ҳукуматини воқеага етарлича баҳо бермаётганликда айбламоқда.

**ХАВОТИРЛАР АСОСЛИМИ?**

Россияда ўтказилган бир тадқиқот халқ терроризмдан кўра алкоғолизм, гиёҳвандлик ҳамда инфляциядан кўпроқ хавотирланганини кўрсатди.

Бутунроссия жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази (ВЦИОМ) мамлакатнинг 140 аҳоли пунктда 1600 киши иштирокида ўтказган анкета-сўровномалар натижасига кўра, аҳолининг 57 фоизи алкоғолизм ва гиёҳвандликни энг катта муаммо деб билади, 55 фоизи эса инфляциянинг ўсиб кетишидан хавотирланади. Ишсиз қолиш ташвиши 50 фоиз овоз билан учинчи ўринда турибди... Экологик муаммолар ва терроризм эса анча пастки ўринларни банд қилган.

2007 йилги шундай тадқиқотларда халқнинг 28 фоизи севган инсонини йўқотиб қўйишдан кўркишини билдирганди. Бундай хаво-

тирлар орасидан уруш ва қирғин-баротлардан кўркиш 18 фоиз овоз билан ўрин олган, аммо рўйхатда ишсизлик ва инфляция йўқ эди.

**ХИТОЙНИНГ СОХТА УЧУВЧИЛАРИ**

Хитой тижорий авиакомпанияларининг 200 дан ортқ учувчиси сохта маълумот билан ишга олинган, дея хабар тарқатди AFP расмий манбаларга таяниб.



Айни пайтда учувчиларни ишга олиш жараёни ва сохта ҳужжатлар юзасидан катта текширувлар ўтказилмоқда. Ходимларнинг резюмеларида кўлаб шубҳали фактлар аниқланган. Маълум бўлишича, «сохта» учувчиларнинг тахминан ярми «Henan Airlines» компаниясига қарашли «Shenzhen Airlines» авиакомпаниясидан хизмат қиларкан.

2010 йил 24 август куни Хитой шимолда «Embraer E-190» самолёти ҳалокатга учрагач, кенг қамровли текширувлар бошлаб юборилди. Тахминлардан бирига кўра, «Henan Airlines» самолёти ҳалокатида айнан учувчининг айби бор. Бошқа тахминларга қараганда, нохуш ҳодиса бортидаги айрим нуқсонлар ёки но-боп об-хаво туфайли юз берган бўлиши ҳам мумкин. Августдаги авиаҳалокат оқибатида 42 киши вафот этган, 55 киши дахшатли ҳодисани бошидан кечирганди.

Интернет манбалари асосида Фаррух ЖАББОРОВ тайёрлади.

• АЖИБ ОЛАМ • АЖИБ ОЛАМ

**ЛОТЕРЕЯ – ТАҚДИР ДЕГАНИ**

Лотерея ўйинлари деса ўзини томдан ташлайдиганлар кўп топилади. Кимдир ишқибоз, ким эса бир зумда бойиб кетиш илинжида.

Лотерея атамаси италянча «лотто», яъни «тақдир» сўзидан олинган. «Лотерея ўйинларининг тарихи, афсоналарга кўра, қадимги Юнонистонга бориб тақалади. Ўша вақтларда жангчилар бош ниқоби ичидан тошчалар олишган. Кимга махсус тошча тушиб қолса, ўша жангчи Зевс билан куч синашши имконини кўлга киритган. Бу тadbир «ё ҳаёт, ё мамот» тadbiri эди.



Лотерея ўйинларининг асл тарихи ҳалигача аниқланмаган. Аммо, лотерея чипталарининг тарихи Голландиядан бошланган экан.

Машҳур мусаввир Ян Ван Эйк(1390-1411 й.)нинг беваси бўлмиш оддий бир аёл лотерея ўйинларининг асосчиси ҳисобланади. У расмоннинг вафотидан 25 йил ўтгач, махсус хотира кечаси уюштиради. Гап шундаки, жувон кечага тақлиф қилинган меҳмонлардан чипталар сотиб олишларини сўрайди ва уларга ана шу рақамланган чипталар орқали қимматбаҳо совғаларни кўлга киритиш имконини яратади.

Ўшбу тadbир Европа киборларига ёқиб қолади ва ўшандан бошлаб оммавийлашга кетади. Тез орада катта ўйинга айланиб, бутун дунёга тарқалиб кетади.

**АСАБИЙЛАШСАНГИЗ — СИГИРНИ ҚУЧИНГИ..**

Бугунги голландларнинг яна бир ўзига хошлиги шуки, улар ишга ҳаддан зиёд берилиб кетиб, тез-тез асабий ҳолатга тушадиганлар учун янги хизмат турини йўлга қўйишган. Бундай одамлар 45 евро эвазига шу атрофдаги, йирик гавдали сигирлар боқиладиган исталган фермага бориб, сигирлардан бирини қучиб, бир пас дан олишлари мумкин. Хизматнинг бу тури, шунингдек, руҳшуносларнинг маслаҳатлари, бузоқлар ҳаёти ҳақидаги хикоялар, тасвирли иллюстрациялар намойишини ҳам ўз ичига олади.

Ферма ходимларининг айтишларича, сигирлар билан бу каби мулоқот нафақат давлат ишчиларига, балки сигирларнинг ўзларига ҳам фойда бераётган экан. Сигирларнинг аввалгидан икки баравар кўпроқ сўт бериши кузатилибди.

Наргиза СИДДИҚОВА тайёрлади.

(Давоми. Боши ўтган сонларда.)

— Икки кундан бери онамга қандайдир эркаклар телефон қилишади. Интернетдаги танишув сайтиданми, дейишади.

Абдусалимнинг юраги музлади. Наҳотки йигирма йиллик турмуш ўртоғи шу даражага борган бўлса? Майли, ўзи эркак. Ахир, унда ҳаё бўлиш керак-ку?

Ота-онасининг жанжалидан безиб қолган Абдуҳолик индамай кўчага чиқиб кетди. Зилола эрининг авзойи ўзгарганини кўриб, ўзини унинг оёғига ташлади.

— Менинг ҳеч нарсадан хабарим йўқ. Буни ўша хотинчангиз қилган. Мен интернет нималигини тушунмайман-ку.

Абдусалимнинг саволидан Нафосат ҳайратга тушди. Бир ачиги келиб, бир кулгиси қистади. Ичида Зилоланинг кирдикорларига тан берди.

— Абдусалим ака танишув сайтида хотинингизнинг номидан рўйхатга ўтганим йўқ. Ишонинг.

— Аммо у интернетни тушунмайди. Агар чиндан ҳам шундай қилган бўлсанг, сайтга кириб, ўчириб ташла. Болаларимга ёмон таъсир қилаяпти.

— Зилола интернетни тушунмайди, денг. Унда интернетдан мени ҳақоратлаб, таҳдид қилиб хабар жўнатган ким? Балки ўзингиздир? Кейин мен сининг уй телефонингизни билмайман-ку.

— Сенга телефонимиздан SMS жўнатган-ку.

— Уй телефонидан SMS ха-

бар жўнатиб бўлар эканми? Гапингизни ўйлаб гапираяпсизми?

Шу воқеадан сўнг икки ҳафта тинч ўтди. Бўлган воқеани унуттаёзган Нафосат Абдусалим билан бирга кечираётган ширин ҳаётдан маст эди. Биргаликда турмуш ўртоғининг дўстлариники га м е х м о н г а

— Балки Зилола билан учрашиб, орани очик қилармиз. Нафосат Абдусалимга қаради. Қанийди ўша пайти аёл хатога йўл қўяётганини билганда эди.

— Маъқул. Негадир бу фикр Абдусалимга ҳам ёқиб тушди. Учрашувини шаҳар чеккасига белгилашди. Абдусалим хотинини уйдан машинасида олиб келди. Нафосат таксида ай-

биласанми?

— Ҳали сөнлашга ўтмагандик, шекилли?

Нафосат гапини тугатмасданок ўзига келиб тушган шапа-лоқдан бир зум гангиб қолди. Қурақда турмайдиган гапларни айтганича, жазавага тушган Зилола унга ташланган эди. Ўзини ўнглаб олган Нафосат жавобан Зилолани урди. Абдусалим икки аёлнинг жанги яхшилиққа олиб бормаслигига кўзи етгач, Нафосатнинг қўлини маҳкам ушлаб олди. Пайтдан фойдаланган Зилола рақибасининг дуч келган жойига қўлидаги тош билан ура кетди. Бу орада жанжал бўлаётган жойга етиб келган йўл патрул ходими жанжалга барҳам берди. Зилолани машинасига ўтказган Абдусалим зудлик билан уйига олиб кетди.

— Ажрашиш ҳақидаги сафсаталарингиз бекор экан. Нега мени ишонтирддингиз, фарзандларимни ўқис, ярим қалбини яраладингиз, ахир, улар сизни «дада» деб бошлаган эди?

Нафосат ёнига қайтиб келган Абдусалимнинг «Кийимларимни олиб, ўз уйига қайтиб бормасам, Зилола сени тинч қўймаган экан» деган гапларидан сўнг дағ-дағ титраганича, кўз ёшларини ичи-

га ютарди.

— Бунинг тўртта боласи борлигини, биттаси ногиронлигини



боришди. Бухорои шариф, азим Самарқанд шаҳарларида азиз-авлиёлар, буюқ аждодлар қабрларини зиёрат қилишди. Тошкентга қайтишлари билан Нафосатнинг уй телефонидан яна Зилоланинг таҳдидлари ёғила бошлади. Бу сафар улар Нафосатнинг болаларига қаратилган эди. Бундан хавотирга тушган аёл Абдусалимдан қатъий ажрашишни ё уни тинч қўйишни талаб қилди.

— Мендан нима истайсиз?

Нафосат ўзига ғазаб ва нафрат билан қараб турган ўрта бўйли, қошларига ўсма қўйиб, кўзига сурма тортган, ўзидан 4-5 ёш кичик бўлишига қарамай, анча қаримсиқ кўринадиган Зилолага тикилди.

— Бунинг тўртта боласи борлигини, биттаси ногиронлигини

**✓ БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР**

— Менинг қўлимни ушлаб туриб, унга урдирдингиз? Яна, уни олиб кетиб, мени ўша ерга ташлаб кетдингиз? Мен сизга нима учун керакман, ўзи? Бу томошанинг нима кераги бор эди? Нима, мен билан никоҳ ўқитиб, хотинингизга хоҳласам бошқаси билан яшайман, хоҳласам сен билан, деб кўрқитмоқчи эдингизми?

— Абдусалимдан жавоб ололмаган Нафосат икки ойлик эрининг кийимларини йигиб, қўлига тутқазди. Фарзандларининг икки-уч бора «Дадам қани?» деган саволига ҳўрсиниб кўя қолди. Орадан салкам икки ой ўтди. Қалбининг жароҳати ачишдан бироз тўхтаб, кундалик ташвишларига шўнғиган Нафосат кенга бориб ўзини холсиз сездди. Кўнгли айниб, бир зум кўз олди коронгилашди. Фарзандлари эҳтиёжини тўлиқ таъминлаш учун уч иш орасида елиб-юрган Нафосат бунинг чарчоқликка йўйди. Аммо бу ҳолат ҳар кун шундай такрорлана бошланди. Шифокор Нафосатнинг дилига гулгула солган фикрини тасдиқлади.

— Табриклайман. Ҳомилдорсиз. Бу нечанчи фарзандингиз? — У-учинчи..

— Ҳали аниқлаш қийин-у, аммо ҳомиланинг ўзига хос ҳаракатидан ўғилга ўхшайди.

— Табриклайман. Ҳомилдорсиз. Бу нечанчи фарзандингиз? — У-учинчи..

— Ҳали аниқлаш қийин-у, аммо ҳомиланинг ўзига хос ҳаракатидан ўғилга ўхшайди.

— Табриклайман. Ҳомилдорсиз. Бу нечанчи фарзандингиз? — У-учинчи..

— Ҳали аниқлаш қийин-у, аммо ҳомиланинг ўзига хос ҳаракатидан ўғилга ўхшайди.

Наргис ҚОСИМОВА (Давоми келгуси соҳда.)



«Ушанда Тошкентда ўқирдим. Термиздан туманимизга қатнайдиغان автобус тирбанд эди. Мен чипта олганим учун ўз ўрнимга жойлашиб олгандим. Ҳалима эса қисиниб-қимтиниб тик оёқда туриб кетаётганди. «Ўтириб олинг», дея ўрнимдан кўзгаллиб, уни таклиф қилдим. Унамади. Кейин барзангидай бир йигит унинг ёнида туриб қолгач, ҳам раҳимим, ҳам раҳим келди-да, шахд билан жойимдан турдим-у, буйруқ оҳангида «Ўтирсангиз-чи, одамни уялтирмайсиз», дедим. Қарасам, сумкаси каттагина экан. «Ишонмадингиз-а, нима, ичи тўла тиллаи?» дедим ҳазиллашиб. У жилмайиб, «Онам бетоблар, ул-бул нарса, яна дўхтирлар буюрган дориларни олувдим», деб жавоб берди. Қанча гапга тутишга уринмайин, лекин у негадир гапирмасликка ҳаракат қилар, саволларимга ҳам эътиборсиз бош ираб қўярди.

Туманимиз марказига етиб келгач, автобусдан тушишдаёқ кўярда-қўймай кўлидан сумкасини олдим. Илоҳиш орқамдан эргашди. Кўшни маҳалламизда яшар экан. Кўчасининг бошидаёқ: «Кўйинг, одамлар нима дейди, буёғига ўзим кетаман» деб хайр-хўшни ҳам насия қилиб кетиб қолди. Орқасидан ҳовлиларига етгунича қараб турдим. Сўнг таътил мобайнида

улар яшайдиган маҳаллага се-рқатнов бўлиб қолдим. Ҳалима-ларнинг кўчасига келин бўлган амама ҳазиллашиб «Кейинги пайтда нега менга жуда меҳринг жўшиб кетди, десам, ҳамма гап бу ёқда экан-да. Мақсуда опа-нини қизи жуда яхши қиз. Юра-гиндан урган бўлса акамга ай-таман, совчи юбраверсин», деди. Хуллас, баҳорда Ҳалима билан тўйимиз бўлди. Ҳамма ҳавас қиладиган оила бўлиб тинч-тотув яшардик. Ўғлимизни уйлантирдик. Энди ҳузур кўра-ман деганда аёлим бедаво дар-дга йўлиқиб, 54 ёшида дунёдан кўз юмди. Қўлим ошга етганда аро йўлда ёлғизлик азобида қолдим. Фарзандларим меҳри-бон, иссиқ-совуғимдан хабар-дор. Барибир аёлнинг ўрни бўлақча экан-да. **Ёшим 62 да.** Маълумотим олий. Ишлайман. Ёшимга мос, очик кўнгил, меҳ-рибон, тўғриси, уйим-жойим дейдиган аёл учраса, хабар бер-сангизлар.

**ХОЛМАТ ака,**  
**Сурхондарё вилояти.**

«Хуршид — отамнинг ўрто-қининг ўғли эди. У билан бола-

ликда ўйнаб катта бўлгандик. Мактабни тугатгач, Хуршид Ле-нинградга ўқишга кетди. Таъ-тилда юрган пайтлари бизники-га ҳам келарди. Акам билан тенгдош эди. Мени унга унаш-тиришмоқчи бўлишганда акам «Унинг Люба деган севиғлиси бор, мен биламан», деб қарши бўлганди. Лекин уйдагилар унинг гапига қулоқ солишмади. Тўйимиз бўлди. Хуршид бир куни онасига: «Мана, эл олдида юзингиз ёруғ бўлди, айтган қизингизга уйландим, орзунгиз ушалди, энди хурсандмисиз? Сиз тан олмасангиз ҳам мен барибир хотиним ва қизчамни дейман», деб жahl билан гапи-раётганини эшитиб қолдим. Шу пайтда биров бошимдан худди қайноқ сув қуйиб юбор-гандай, эсанкираб қолдим. Бу ҳақда онамга ёрилдим. Улар эса: «Қизим, отангнинг феълени би-ласан-ку, бошимда ёнғоқ чақ-ди. Тишингни тишинга босиб қидайсан», деб йиғлади. Хур-шид эса тез-тез хизмат сафарига кетар ва ҳар хил баҳоналар билан узоқ муддат уйга кел-майдиган одат чикарди. Фарзан-дим чала туғилиб нобуд бўлгач, онамнинг арз-додига қарамай,

эрим билан ажрашдик. Охири Бухородан Тошкентга келиб ишлай бошладим. Акамнинг ёрдами билан уй сотиб олдим. Акам доим: «Синглим, умринг ўтмасин, турмушга чиқкин» дея насихат қилади. **Ёшим 38 да.** Маълумотим олий. Ёшимга мос, дёнәтнали, зарарли одатлардан холи инсон учраса, турмушга чиқмоқчиман.

**НОДИРА,**  
**Тошкент шаҳри.**

«Қаҳрамон билан севишиб турмуш кургандик. Дастлабки йиллари жуда бахтли яшадик. Лекин орадан бир неча йиллар ўтса-да, ўртамизда фарзанд бўлавермади. Текширув нати-жаларига кўра, айб менда экан.

**ШАҲЛО,**  
**Наманган вилояти.**

**ТАҲРИРИЯТДАН:**

«Бахтли бўлинг» рўқнига хат йўллаётган ёки бево-сита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан) маълумот-нома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашган-лар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширлари талаб этилади.

**МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46**

Ёши элликдан ошган, кўриниши-дан кўп қийинчилик ва машаққатлар-ни бошидан кечириб, ён-верига ан-чайин хотиржам қарайдиган, қотма-дан келган, киртайган кўзлари гам-гин боқадиган Собир ака илмий тек-шириш институтининг лаборатория му-дирини кабинетига раҳбар «имти-ҳон»идан ўтар экан, кўнглидан кўп гаплар кечди. Ёш, навқирон Толиб-жон Файзиев кўпни кўриб, кўзлари қотиб кетган бу вазмин одамга си-новчан тикилиб:

— Очиги, бизга сизга ўхшаган мала-кали мутахассислар керак, ака. Лабора-

Шу-шу, уларни йўқотиб қўйдим...

Толиб ҳам энди бошқа гап ортиқча-лигини сезиб:

— Майли, Собир ака, насиб этса, ҳам-маси яхши бўлади, эртадан ишга кири-шаверасиз, — дея эшиккача кузатиб чиқ-ди.

Собир ака ҳам янги жамоага, одам-ларга тез ўрганиб кетди. Айниқса, ишга қаттиқ берилди. Бунинг устига, у фао-лият юритаётган лабораториядаги иш жуда нозик эди. Негаки, одам танасида пайдо бўладиган ўсимталарни тахлил қилиш осон эмас. Бунда таваққалчилик кетмайди. У шу қадар ўз ишига боғла-

килли, мақсадга кўчин!

— Тўрт томонинг қибла!..

Тўғри, бу биринчи жанжал эмас, охиригиси ҳам эмасди. Лекин... Шундай вазият бўлади ҳаммада. Битта гап билан ё эр, ё хотиннинг обрўси тўкилиб кет-майди. Агар ўшанда Собир муросага кел-ганида борми, осмон узилиб ерга туш-масди. Азиза ҳам аёллигига бориб, эри-ни тушунишни истамади. Оқибатда бо-лаларга қийин бўлди...

Собир аканинг кундан-кунга янги иш-хонада обрў-эътибори орта бошлади. Билим ва тажрибасини ёшларга ўргатиш-дан эринмади. Шунинг учун у жамоага

**ТУРМУШ СЌҚМОҚЛАРИ**

дирди.

Собир аканинг эса бу гаплардан ха-барни йўқ эди. Бор дардни меҳнат билан енгаман деб, ўзини қаттиқ ишга урарди. Толиб ҳам уни тобора ўзига яқин олиб, тўй-маъракаларга, йиғинларга, мажлис-ларга бирга олиб борадиган бўлди. Бир кун Толибнинг машинасида қаердан-дир бирга қайтишгаётганди. Йўл-йўлакай Толиб:

— Собир ака, мен ҳозир шундоқ уйга кириб чиқаман. Эрталаб бир нарсани уну-ти қолдирибман, — деб қолди.

— Бемалол, шу атрофда яшайсизми?

— деди Собир ака.

— Ҳа, икки кўча нарида, — деб Толиб рулни уйи тарафга бурди.

Бироз юргач, катта дарвоза ёнида тўхтади. Толиб Собир акага:

— Кун ҳам жуда қизиб кетди. Собир ака, чанқагандирсиз, юринг бир коса муз-дай сув ичиб чиқасиз, — деб ичкарига таклиф қилди.

Собир ака бу йигитнинг сезирлиги-га қойил қолди, чанқаган бўлса-да, хи-жолат тортиб:

— Йўғ-е, кўяверинг, ҳозир ишхонага етиб оламиз-ку, овора бўлманг, — дея унамади.

— Юраверинг, уйимизниям кўрасиз, — деб Толиб уни кўярда-қўймай ҳовлига бошлади.

Улар машинадан тушиб, дид билан қурилган уйга киришди. Толиб дарвоза-дан кириши билан хотинини қақирди:

— Манзура, бормисан, меҳмон келди! Ичкаридан эса онасининг овози эши-тиллиди.

— Ҳозир, ўғлим, қани ичкарига марҳамат!

— Ойи, келиннингиз қаерда?

Онаси ичкаридан чиқиб кела-кела:

— Манзураҳон, поликлинникага чи-қиб кетувди. Ичкарига киринглар!

Аёл уларга пешвоз чиқиб келаётиб, бирдан жойида тўхтаб, тахтадай қотиб қолди. Ўғлининг ортидан эргашиб кела-ётган одамни кўргани заҳоти титроққа тушди. Унга кўзи тушган Собир ака ҳам бирдан жойида тўхтади.

— Вой, Азиза, сенмисан? Сен...

Аёл ҳам зўрға «Сиз...» деди-ю, ерга ўтириб қолди. Собир ака ва Толибжон югуриб келиб, унинг кўлтигидан кўтар-дилар...

**Эшқобил ШУКУР**

# ТАҚДИР ЭРТАГИ

ториямизда олиб борилаётган тажриба-ларда сизнинг малакангиз асқотади деб умид қиламан, — деди.

Бироқ бу гапларга ҳам Собир ака со-вуққонлик билан жавоб қайтарди:

— Ўзим фақат шу соҳада ишлаб кел-ганман. Биламан, сизга ёшим элликдан ошганда катта шахарда яшашга қарор қилганим ажабланирли туолар. Лекин нима қилай, дўхтирларнинг тавсисига кўра шароитни ўзгартиришим, об-ҳаво-ни алмаштиришим керак экан. Юрак қур-гур панд бераяпти...

Толиб ундан кўзларини олиб қочиб, иккиланган сўради:

— Нима, ёлғизмисиз? Оила, бола-чақа дегандай...

— Яширмайман, ука, тақдирни бил-мас экансиз, биринчи турмушим бузил-гач, қайтиб ўнганмадим. Устига устак иккинчисидан ҳам тинчимадим. Охири ҳаммасига қўл силтадим. Шундан бери ёлғизман.

— Узр энди, билмабман, — хижолат торти мудир.

Собир ака унга ялт этиб қаради-да: — Нега энди, ҳозирданок бор гапни айтишим керак-да, яшириб нима қила-ман? Фақат ёш ўтган сари суянч истаб қолар экансан. Биринчи аёлимдан аж-рашганимда ўғлим тўрт ёшда, қизим бир ёшда эди. Ишонасизми, халигача туш-ларимга кириб чиқади. Етимликча ўс-гани учунми, янгангизнинг феъли ниҳоят-да нозик эди. Суд орқали ажрашганимиз-данок узоқларга кўчиб кетишимди. Мен ҳам қайсарлик қилиб беэътибор бўлдим.

ниб қолдики, имкони бўлса, иш куним тугамаса, шу ердан кетмасам дерди. Ҳамма билан тил топишиб олди. Фақат ишдан кейин унга қийин эди. Ҳар кун ишдан қайтаётиб, гавжум шаҳар кўчала-рида узоқ тентирайди, кимнидир излай-ди, лекин тополмайди. Ҳамма ишдан кей-ин уйига шошилади. У эса қаёққа бори-шини билмасди. Ёлғизлик азоби уни куну тун энгиб борарди...

Ҳамма айб асли ўзида. Ахир, ҳамма-си бошқача бўлиши мумкин эди-ку. Оилалардаги жанжалларнинг деярли ҳам-маси бир хил, фақат уларнинг ечимлари ҳар хил. Кўплар шу ечимда хато қилиб, умр бўйи қийналиб юради.

Собир акада ҳам шундай бўлганди. У уйдаги энг охириги жанжални аниқ-тиник эслайди: нариги хонада бир яшар гўдак биғиллайди. Уч яшар ўғилча она-сининг этагига ёпишган. Собир хотини-га ўшқирди:

— Бундай аҳволда яшаш жонимга те-гди. Болалар ҳам бир кунини кўрар.

— Нима қил дейсиз ўзи, ажрашмоқ-чимисиз? — қатъий оҳангда сўради Азиза — Шундай. Сеннинг иддаоларингдан чарчадим.

Хотини ҳам кесиб гапирадиган, узоқ-ни уйламайдиганлар хилдан эди.

— Мени биласиз, кетсам, бутунлай кетаман. Ҳатто сизнинг исмингизни ҳам хотирамдан ўчириб ташлайман. Тушун-дингизми?

— Шундай деб мени кўрқитмоқчи-ман?

— Кўрқиб давридан ўтганмиз, ше-

## ҚУТҚАРГАНИМ — ТАБИБИМ ЭКАН

...1956 йилнинг айна ёзи эди. Мактабдаги битирув имтихонларини топшириб, уйда дам олаётувдим. Бир куни зериканимдан чўмилиш учун Чирчиқ дарёси бўйларига бордим. Чиноз марказига яқин жойдан катта ариқ оқиб ўтарди. Унинг қирғоғи дўнглик бўлиб, энг баланд қисмидан ёлғизоёқ йўлак ўтган, иккинчи томони эса узун чуқурликдан иборат эди. Уша йўлдан уйга қайтиб келаётгандим. Олдинда бир қария тўхтаб-тўхтаб юриб борарди. Бир маҳал ҳалиги чол мункиб-мункиб чуқурга юмалаб кетса бўладими. Кўрдиму дарҳол унинг кетидан ўзимни пастига отдим. Қария мук тушганча қимир этмай ётар, юз-кўзлари шилиниб кетган, ўқтин-ўқтин нафас оларди. Хайрият, тирик экан, дея турғизига уриндим. Юзидан тизиллаб қон оқишига қарамай, менга миннатдорчилик ишорасини қиларди. Бутун кучимни ишга солиб, отахонни чуқурнинг япасқироқ жойидан юқорига судрай бошладим. Бир амаллаб тепаликка чиқдик.

Аксига олгандай, яқин орада ҳеч қимса кўринмасди. У кишининг уйи бозор яқинида экан. Оёқлари унча лат емагани учун менга суяниб юришга ҳаракат қиларди. Жиққа терга ботганча бир амаллаб уйга ҳам етиб келдик. Бир аёл: «Вой, сизга нима бўлди?» деганича югуриб келди ва иккимиз отани уйга олиб кириб ётқиздик. Кетмоқчи бўлиб турсам, отахон қўлимдан маҳкам ушлаб, «Кимнинг ўғлисан, болам?» деб сўради. «Мўмин тоганинг» дедим (чунки Чинозда уч нафар Мўмин исмли киши яшар, бири шоп мўйловли бўлган чун Мўмин Пётр, иккинчиси қорачадан келгани учун Мўмин қора дейишарди, отамни эса

улардан ажратиш учун исмларига «тоға» сўзи қўшиб айтиларди). «Барака топ, болам, яхши одамнинг фарзанди экансан», дея қайта-қайта раҳмат айтди.

Орадан бирон ҳафтача вақт ўтган, отам кўчадан уйимизга қайтиб келди-да: «Балли, ўғлим», деб мақтаб қўйди. Унчамунчага мақтамайдиган отам нечун мени бугун сийлаб қолди, тинчликмикан ишқилиб, дея хайрон бўлдим.

— Ўғлим, — дея бир оздан сўнг гап бошлади отам. — Сен жуда катта савоб иш қилибсан. Нажмиддин қорини бир



ҳалокатдан сақлаб қолибсан, у киши сендан жуда миннатдор. Бугун катта бир маърақада Нажмиддин ота сенга жамоадан дуо олиб бердилар. Эшитиб, бошим осмонга етди. Қайтар дунё деганлари шу экан-да, — дедилар-да чуқур уйга толдилар. Мен эса хайрон бўлганча отамнинг нима демоқчи эканликларига жуда қизиқиб қолдим.

### ОТАМНИНГ ҲИКОЯСИ:

— Сен ўшанда бир яшар гўдак эдинг. Кутилмаганда қаттиқ касалликка чалиниб, озиб-тўзиб, фақат суягинг қолди. Ҳатто йиғлашга ҳам ҳолинг йўқ эди. Чиноздаги дўхтирлар дардинга шифо топишолма-

### КАЙТАР ДУВЎ

гач, Тошкентга олиб бордик. Афсуски, уларнинг ҳам муолажалари, берган дори-дармонлари қор қилмади. Охири умидсиз ҳолатда менга сенинг тузалмаслигини айтишганда ўзимни йўқотиб қўйдим. Ичимга чироқ ёқса ёришмайди. «Эй, Оллоҳим, менга шундай зурриёд бердинг, энди шифосини ҳам ўзингга бағишладим, шу гўдақкинани асрагин», деб кечую кундуз йиғлаб илтижо қиламан.

Пойтахтдан кўзларим тўла ёш билан қайтиб келаётганимда, ногаҳон йўлда Нажмиддин қорини учратиб қолдик. Мен унга бошимдан кечган ҳамма воқеани айтиб бердим, сабаби, унинг оз-моз табиблик қилишидан хабарим бор эди-да. У киши менинг гапларимни шошилмай тинглади, сени қўлига олиб қўрди-да: «Ҳозирроқ уйга борамиз, дори бераман, оббо, болани қўйнаб қўйибсизлар-ку», деди ва уйларига йўл олди. Нуриддин аканинг айтганларига қатъий амал қилдик. Шундаям кўнглимда шубҳаланиб, берган дориларидан тузалиб кетишинга кўпма ишонмаганим. Худонинг қароматини қарангки, сен эртаси кундан оқ аста-секин тамшана бошладинг, сув берсак, ичдинг. Иккинчи куни эса эма бошладинг, оз-оздан овқат ҳам единг. Тўртинчи кун деганда домланинг ўзи уйга келиб сени кўриб кетди ва муолажани давом эттирсак, насиб этса отдай бўлиб тузалиб кетишингни айтди. Сендаги ўзгаришни кўриб, суянганимдан қўлларига пул берсам, олмади. Ваҳоланки, бу халоскор табибга барча мол-мулкимни ҳам беришга тайёр эдим. Сенинг яшаб қолишингда бу инсоннинг хизмати жуда катта бўлган, болам. Шундан кейин ҳам неча марта кўча-қўйда кўриб, учратиб қолсам, унга қандай миннатдорчилик билдиришни билмасдим...

Мен отам раҳматлининг бу ҳаяжонли ҳикоясини эшитиб, ҳар қандай хайрли амал, яхшилик беиз кетмаслигига, охири бир кун қайтишига ишондим...

Содиқ МЎМИНОВ,  
тарих фанлари номзоди,  
Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги  
Жўрабек маҳалласи оқсоқоли.

### СПОРТ ▼ СПОРТ ▼ СПОРТ

#### Жамоаларимиз тайёргарликни бошлади

Футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси Москванинг «Локомотив» клуби билан назорат ўйинида майдонга тушиб, 1:2 ҳисобида мағлубиятга учради.



Жамоамизнинг ягона голни эса Одил Аҳмедов учрашув тугашига санокли дақиқалар қолганида пеналтидан киритди. Вакилларимиз кейинги ўртоқлик учрашувида кеча Эстония терма жамоасига қарши майдонга тушган. Асосий термаимиздан ташқари, ўсмирлар, 21, 23 ёшли таркибдагилар ҳам бир қатор ўртоқлик учрашувлари ўтказишмоқда.

#### Янги трасса барчага маъқул

Кореяда қурилган автодром «Формула 1» автопойгаси бўйича 17-жаҳон чемпионатини қабул қила олмаслиги ҳақида кўплаб тортишувлар келиб чиққан эди.

Лекин мусобақа бошланганидан кейин ушбу автойўлак спортчилару томошабинларда яхши таассурот қолдирди. Ҳиндистонлик Карун Чандхок ўзининг Red Bull машинасида финалга биринчи бўлиб келди.

#### Роналдиньо термага қайтиши учун нима қилиши керак?

Бразилия терма жамоасининг янги бош мураббийи Ману Мenezеш иктидорли ярим ҳимоячи Роналдиньонни яна таркибга қайтарилиши мумкинлигини айтиб ўтди.



«Бизнинг бош мақсадимиз, энг аввало, 2014 йилда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатидир. Унинг ёши бемалол ватанимизда бўладиган мундиал ҳақларида иштирок этиши учун имконият беради. Шунингдек, Роналдиньоннинг маҳоратига ҳам шубҳа қилишни ҳолати йўқ бўлса керак, у нималарга қодирлигини ўтган йили ҳам исботлаб қўйган. Аммо ундан олдинги учта мавсумни у қадар муваффақиятли кечган деб айта олмаيمиз. Агарда Диньо яна олдинги спорт формасини тиклайдиган бўлса, уни жон деб терма жамоа сафига қақираман», — дейди Мenezеш «Газетта делло Спорт» нашрига берган интервьюсида.

Интернет манбалари асосида  
Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади

### ОШЛАНИНГ «ТЎЛ САВДОСИ»

**ГУПСАР** — Кечувдан ўтишда хизмат қиладиган, махсус усулда қўй ва мол терисидан тайёрланиб, ичига ҳаво тўлдирилган мешга ўйлаш мосламага «гупсар» дейилган.

**ИНСОН** — Тилимизда «одам, киши, шахс» маъноларини англатган бу сўзнинг туб илдизи «бир-бирига яқинлашди», «танишди» деган маъноларни билдирган.

**«Инсон бу дунёнинг азизу муқаррам хилкати, мавжудотлар ичида сарваридир».**

Газетадан

**МОҲИЯТ** — Бу сўз «ҳақиқат, ҳар нарсанинг асли, туб негизи, нарсаси, воқеа-ҳодисалар асосида ётувчи ички мазмун» деган маънони англатади.

Эшқобил ШУКУР тайёрлади.

### ЎҒЛИМНИНГ НОМИГА САВОЛ-ЖАВОБ РАСМИЙЛАШТИРСАМ БЎЛАДИМИ?

Ўғлим ҳали 18 ёшга тўлмаган. Яқинда оламдан ўтган бобоси унга «Nexia» русумли автомашинасини мерос қилиб қолдирган эди. Автомобилни тўғридан-тўғри ўғлимнинг номига расмийлаштирсам бўладими?

Шавкат Низомов,  
Самарқанд вилояти.

— Амалдаги қонунчилик меъёрларига кўра, 18 ёшга тўлмаган шахсларга автотранспорт воситалари, 16 ёшга тўлмаган шахсларга мототранспорт воситалари билан боғлиқ битимларни расмийлаштиришга йўл қўйилмайди. Лотерея ва бошқа оммавий ўйинларнинг ютуқлари бўлган, қонунда белгиланган тартибда мерос қилиб олинган автотототранспорт воситалари бундан мустасно.

Агар автотототранспорт воситаси мерос қолдирилган бўлса, уни бошқа шахсга ўтказиш бўйича битим тасдиқланаётганда, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома талаб қилинади.

Агар мерос икки ёки ундан ортқ меросхўрларга берилган бўлса, автотототранспорт воситасини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битимни тасдиқлашда барча меросхўрлар иштирок этиб, шартномани имзолайдилар.

Автотототранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги олди-сотди, айирбошлаш, ҳада қилиш шартномалари ва бошқа турдаги битимлар нотариал тартибда тасдиқланган пайтдан бошлаб ўн кун мобайнида ДЙХХХ органларида рўйхатдан ўтказилиши керак.

Саволга Каттакўрғон тумани  
2-сон давлат нотариал идораси нотариуси  
Раҳимжон САПАРОВ жавоб берди.

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси ва «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 16:00.

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ

Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20

Мухбирлар: 233-04-50

Котибият: 237-21-82

«Оила» бўлими: 234-25-46

Web-site: oilavajamiyat.uz

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07да рўйхатга олинган. Буортма Г — 832. Формати А-3, ҳажми 3 табоқ. Адади — 8284. Навбатчи муҳаррир — Фаррух ЖАББОРОВ. Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ. Мусахҳихлар — Саидғани САЙДАЛИМОВ, Мафтуна МИНГБОВЕВА.

ISSN 2010-7609

1 2 3 4 5